



Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Тола» фермер хужалиги

Уйчи туман хокимининг 2001 йил 30 апрель кунндаги №161-сонли қарорига асосан 31,0 гектар экин майдонида пахта ва галлага ихтисослашган ҳолда 9 нафар ишчи билан қапа тикиб «Тола» фермер хужалиги иш бошлади.

Хужаликка 2003 йилда хосилдорлиги паст бўлган 33,0 гектар экин ер майдони кўшилиб, жами ер майдони 64 гектарга етди. Шундан галла майдони 27 га, пахта майдони 37 га ташкил этган.

Президентимизнинг 2005 йилдаги ширкат хўжаликларини тугатиб, унинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилиши тўғрисидаги Фармонига асосланиб, хўжалик ўз ерини 101,6 гектарга, шундан экин майдони 92,6 гектарга кенгайтирилиб, галла майдони 38 га, пахта майдони 54,6 га ташкил этган холда ишловчилар сони 39 нафарга етказилди.

Хўжаликда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун дастлаб барча техника воситалари ижарага олиб ишлатилган бўлса, ҳозирги кунда лизинг асосида сотиб олинган 2 та ТТЗ-100, 1 та МТЗ-80, 1 та Т-28, 1 та Т-4Азанжирли трактор, 1 та К-701 хайдов тракторлари мавжуд. Уларга масъуллар бириктирилиб, йилда 2 мартаба техник кўриқдан ўтазилади.

Шунинг билан биргаликда кишлоқ хўжалигида ишлатиладиган арава тиркамаси, чигит экиш мосламаси (сеялкаси), галла экиш мосламаси (сеялкаси), мола, борана, ўқарик олиш, ер текислаш, бошқа барча ишлов бериш мосламаларига эга.

Фермер хўжалигининг дала шийпони 2005 йилда

мукаммал (капитал) таъмирланиб, фермер хўжалиги раҳбари хонаси, маънавият ва маърифат хонаси, ишловчи аёл ва эркаклар учун алоҳидадан кийиниш-ечиниш хоналари, овкатланиш хонаси, ошхона ташкил этилди. Шу билан биргаликда 80 бош корамолга мўлжалланган молхона курилди. Бунинг учун 400 миллион сўм маблағ сарфланди. Мавжуд фермер хўжалигида фаолият юритаётган ишчи ва мавсумий ишчи ходимларга шароит яратиш мақсадида дала шийпони табиий газ тармоғига уланган ва тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Шу билан биргаликда 2010 йилдан бошлаб ўз соҳасини кенгайтиришни режалаштириб, ўз маблағи ҳисобидан паррандачилик, яъни товук ва ўрдаклар бокиладиган 200 бош паррандага ихтисослаштирилган товукхона барпо этди. Фермер хўжаликда тажриба учун аввалига 2 бош қуённи бокилди. Шундан сўнг бир йил мобайнида қуёнлар сони 80 бошга етди. Шуларни ҳисобга ҳолда фермер хўжаликни тормоғини кенгайтириш мақсадида 5 бош корамол бокилиб, ҳозирда корамоллар сони 30 бошга етди.